№42 (320)
2002 йил 16 октябрь, чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа боплаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ - ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-15 октябрь кунлари жойларда ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди.

Юксак маънавият инсонни улуғлайди, халқни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ фаолиятимиз учун дастуриламал бўлган бу ҳақиқат бугунги кунда тўла рўёбга чиқмоқда. Бой миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, улуғ аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг буюк меросини ўрганиш борасидаги эзгу амалларимиз ўз самарасини бермоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз сафарини Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлагани замирида ҳам ана шундай боқий қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром мужассамдир.

Ул зотларнинг халқпарварлик руҳидаги амаллари ва инсонни комилликка чорловчи ўгитларининг тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам беқиёсдир. Нақшбандия тариқати асосчиси бўлган ватандошларимизнинг «Даст ба кору дил ба ёр» /»Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин»/ деган ҳикматли сўзлари аҳли инсонни диёнатга ва ҳалол меҳнатга даъват этади.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланган ва ул зотнинг қаровсиз, хароба бўлиб ётган қадамжоси таъмирланиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилган эди.

Бироқ, Президентимиз сафар чоғида таъкидлаганидек, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлигини янада обод қилиш, тубдан таъмирлаш ва кенгайтириш зарур.

Сўнгги йилларда ўз қўлимиз, ўз салоҳиятимиз билан обод этилган Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари бугунги кунда бутун дунё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларига айланди. Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг ёдгорликларини ҳам ўшандай юксак даражада таъмирлаш ва ободонлаштириш зарур, деди Президентимиз.

Келгуси йили Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Албатта, бу ишларнинг марказида Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуи туради. Зиёрат чоғида Ислом Каримов бу қадамжони ҳам обод қилиш, ҳазратнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек бунёд этган масжид-мадрасани таъмирлаш ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ҳазрат ва ул зотнинг онаси осойиш топган жой /бу икки қабр ёнма-ён/ атрофини ободонлаштириш борасида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди. Бундай муқаддас қадамжоларни обод қилиш фуқароларимизнинг кўнглини янада равшан этади, деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳар икки зиёратгоҳни обод қилиш борасида махсус комиссия тузиш ва унинг таркибига уламолар, олимлар ва мутахассисларни киритиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бундай муқаддас қадамжоларнинг диний, меъморий, тарихий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай зиёратгоҳларни ободонлаштириш муқаддас динимизга бўлган покиза эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш билан бирга юксак тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, эзгу ва савоб ишлар пок, иймонли авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса қўшади.

Бу йил дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ислом Каримов қадим Кешнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлди.

Давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон маданият, маърифат, бунёдкорликка алоҳида эътибор бергани, ҳар ишда етти ўлчаб бир кесиб қарор чиқарганини қайд этар экан, унинг фаолиятини ҳар бир юртдошимиз теран ўрганиши зарурлигини таъкидлади.

Ислом Каримов шаҳардаги Доруттиловат ёдгорлик мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Доруссаодат ёдгорлик мажмуида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди. Ривоят қилишларича, саркарда бобомиз Жаҳонгир Мирзо мақбараси қурилишини охирига етказмай тўхтатган. Ниҳоясига етмаган гумбаз ёш шаҳзода умрининг бевақт хазон бўлганини эслатиб туриши керак эди.

Президентимизнинг меҳнат аҳли билан қурган самимий суҳбатларига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Қаршида бунёд этилган ажойиб хиёбон олдида ҳам шундай мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг кундалик турмуши, яшаш шароити, муаммолари билан қизиқди.

Қашқадарё вилоятида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти, деди Ислом Каримов. Бундан кўнглимиз ўсиши турган гап. Бироқ катта элнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бўлади. Бу муаммоларни биз биргаликда, албатта, ечамиз. Энг асосийси, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Ислом Каримов Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруғчилик хўжалигининг Содиқ Мирзаев бошчилик қилаётган оилавий пудратчилар бригадаси даласида бўлди. 26 гектар ерда деҳқончилик қилаётган оилавий пудратчилар пахтадан юқори ҳосил кўтарди. Ҳозирнинг ўзидаёқ олинган соф даромад 7,5 миллион сўмдан ошди.

Президентимиз мулоқот чоғида пудратчилар ва хўжалик ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал бўлишига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шартнома мукаммаллиги ҳар икки томоннинг жавобгарлигини таъминлаши даркор. Агар шартнома хўжаликнинг айби билан бузилса, у пудратчи кўрган зарарни тўла қопласин, аксинча бўлса, пудратчи хўжаликнинг камомадини тўласин.

Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номидаги ширкат хўжалиги даласидаги суҳбатда Президентимиз пахта навини тола сифатига қараб танлаш зарурлигига эътибор қаратди. Кейинги йилдан бошлаб мамлакатимизда хўжаликлар билан толага қараб ҳисоб-китоб қилиш механизмини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон дунё бозорига пахта толасини чиқаради. Ҳисоб-китобнинг янги механизми йўлга қўйилгач, хўжаликлар кўпроқ тола берадиган навларни экишдан манфаатдор бўлиши табиий. Бу эса мамлакатимизнинг пахта толаси экспортидан оладиган даромадини янада оширади.

«Жейнов» мамлакатимиздаги машҳур ширкат хўжаликларидан. Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов раҳбарлик қилаётган бу хўжаликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовор. Жейновликлар 2002 йилда 1 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни режалаштирган. Соф фойда эса 400 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Жорий йилда хўжалик 162 миллион сўмлик техника - ҳайдов ва чопиқ тракторлари харид қилди. Лизинг асосида 5 та «Кейс» пахта териш машинаси олинди.

Хўжаликда ҳар йили 70 миллион сўмгача маблағ қурилиш ишларига сарфланмоқда. Айни пайтда муҳташам коллеж биноси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Келгуси йили хўжалик фақат йўл қуриш, таъмирлаш, асфальтлаш ишларининг ўзигагина 50 миллион сўм маблағ ажратишни режалаштирган.

«Жейнов» ширкат хўжалигига ташриф чоғида Президентимиз пайчилар билан ҳисоб-китоб масалаларига алоҳида тўхталди.

Кўпчилик хўжаликларимизни ширкатларга айлантирганимиз билан колхозлар давридагидек иш юритиш ҳоллари учраб турибди, деди Ислом Каримов. Яъни пайчиларга пай пулини бериш қониқарсиз аҳволда. Бундай шароитда пайчиларнинг ишга иштиёқи сусайиши табиий. Бу эса, ўз навбатида, пировард натижага - кўзланган режаларни бажаришга монеълик қилади.

«Жейнов»да бу борадаги ишлар ибратли. Бу йил олинган даромаддан пайчиларга 45 миллион сўм, яъни ўтган йилдагидан икки баробар кўп пай пули бериш кўзда тутиляпти. Президентимиз хўжаликда бу борада тўпланган тажрибани оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов шу куни Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Бегойим», Хўжам Низаматов ва Пайариқ туманидаги Навоий номидаги жамоа хўжаликларида бўлди.

Меҳнаткашлар билан учрашувларда мамлакатимиз раҳбари жойларда ерга ва мулкка муносабат ўзгариб, тадбиркорлик кўникмалари қарор топиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Сўғдиёна мавзеида барпо этилган замонавий истироҳат боғини бориб кўрди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов вилоят ҳокимлигида фаоллар билан йиғилиш ўтказди. Унда вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни муҳокама қилинди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Бухоро, Қашқадарё ва Самарқа- нд вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

/ЎзА/

Бугуннинг гапи

ВАТАН ҲИМОЯСИГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматни ўташга кузги чақирув жараёни давом этмоқда.

Ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг ўзига бўлган ишончини, Ватанга бўлган меҳрини юз-кўзларидан кўришингиз мумкин. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам улар она Ватан тупроғида ўз Ватани учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида юртимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера оладиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги Қуролли кучларимизнинг ҳар жиҳатдан такомиллашиб бораётганлиги, ҳарбийларни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб тарбиялаётганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Шу боисдан Мудофаа ишлари бўлимларига ўз хоҳиши билан келаётган ёшлар, қолаверса фарзандини хизматга жўнатиш мақсадида мурожаат билан келаётган ота-оналар ҳам кўпчиликни ташкил этаяпти.

Бугунги кунда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ниҳоятда шарафли ҳисобланмоқда. Собиқ шўролар тузуми даврида армия деса ота-оналар, хизматга чақирилаётган йигитларнинг юраги увушиб кетарди. Ҳарбий хизматни ўташ учун узоқ мамлакатларга кетган фарзандини икки йил минг бир хавотир билан кутиш айниқса, ота-оналарга оғир эди. Фарзандини кўрмоқ учун хизмат жойига борган ота-оналар ўғлини катта этикларда белкураклар билан ишлаётганлигининг гувоҳи бўлган. Ўша пайтларда йигитларимиз вақти бесамар кетаётганига ачинишар эди. Бугун эса ҳарбий хизматга йигитларимизнинг ўзлари талабгор.

Ҳарбийларимизнинг турмуш тарзи, кунлик ҳаёти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилаётгани ҳаммага маълум бўляпти. Ҳарбий хизматни ўтаган йигит билан ўтамаган йигитнинг ўртасида фарқ жуда катта. Ҳарбийларимизнинг Ватанимиз сарҳадларини, халқимиз фаровонлигини оширишда кўрсатаётган жасоратларига барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, сўрамасингиздан олдин Ватан ҳимоясига шайланаётганлигини, халқига чин дилдан хизмат қилишини, конституцион бурчини шарафли адо этишига ҳозирлигини билдиради.

Тадбир

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси, унинг Тошкент шаҳар бўлими, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг пойтахтимиздаги маркази ҳамда «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказлари томонидан «Маҳаллалар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Анжуманга «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар туманлари бўлинмаларининг раислари ҳамда аҳоли зич яшайдиган маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этдилар. Тадбирни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси А.Ғадойбоев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Т.Қурбоновлар кириш сўзи билан очдилар. ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази иқтисодиёт ва атроф-муҳит дастурлари бўйича эксперти Д.Тукининг нутқи, юрист У.Аюбовнинг Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳит бўйича қонунчилиги шарҳи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳуқуқий бўлими бошлиғи Т.Тиллаевнинг «Маҳаллалар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: Ўзбекистонда мавжуд атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими ҳамда ўтмиш ва ҳозирги кунда маҳаллаларнинг жалб этилиш тажрибаси», Тошкент шаҳар санитария ва эпидимиология бош бошқармаси бош врачи С.Саидалиевнинг «Тошкент шаҳрида бугунги кунда атроф-муҳитнинг ҳолати», Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи муовини Н.Абдуллаевнинг «Тошкент шаҳрида маҳаллалар: уларнинг ўтмишда ва ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги роли» мавзуларидаги маърузаларида айтилган фикрлар анжуман иштирокчиларини беэътибор қолдирмади.

Ўз мухбиримиз.

ҚАРИЯЛИК ҚИММАТИ

Олий Мажлис қўмитасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кекса авлоднинг оиладаги ва жамиятдаги ҳамда ёшларни тарбиялашдаги ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан ташкил этилди. Уни қўмита раиси М.Сафаева бошқарди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кекса авлод вакилларига доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон этилиб, шу асосда «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

Учрашувда таъкидланганидек, халқимиз азал-азалдан қарияпарвардир. Ўзбек оиласида фарзанд ҳамиша каттага ҳурмат руҳида тарбияланган. Ҳар бир иш катталар маслаҳати билан амалга оширилган. Зеро, отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, ақл-заковати, билими ёшларни тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Давра суҳбатида Республика «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбарининг ўринбосари С.Олимов, Республика «Ибн-Сино» жамғармаси раиси Ш.Эргашев, Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари В.Каримова, Республика «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Р.Раҳмоновлар шу мавзуларда маъруза қилдилар.

Тадбирда ҳаётий тажрибага эга инсонлардан ёшлар тарбиясида янада самаралироқ фойдаланиш хусусида фикрлашиб олинди.

Сурхондарё вилояти

ФЕРМЕРНИНГ ЖАМОАСИ

«Сурхон» фермерлар уюшмаси қошида «Сурхон» футбол жамоасининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Маҳалла болаларидан иборат бу жамоага тажрибали футбол усталари етакчилик қилишади. Уюшма томонидан етарлича маблағ, кийим-кечаклар ажратилган. Махсус «Сурхон» пахта тозалаш корхонаси раҳбарияти ҳам бу жамоадан ўз кўмакларини аяшмаётир. Туманимиз ҳокими ҳам маҳалла болалари ўртасида спорт турларининг оммалашиши учун доимо жон куйдиради.

Х.ТОҒАЕВ.

---

18 октябрь - Самарқанд шаҳри куни

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Кўҳна ва навқирон Самарқанд байрам оғушида. «18 октябрь - Самарқанд шаҳри куни»ни кенг миқёсда нишонлаш учун тайёргарлик ишлари қизғин.

Қутлуғ шодиёна арафасида мухбиримиз Самарқанд шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси Муҳаммад АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбатлашди.

- «Самарқанд шаҳри куни»нинг мантиқий асослари ҳақида тўхталсангиз?

- Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асосий тантаналар Самарқандда бўлиб ўтганди. Ўша кунги тантанада Юртбошимиз шаҳримизга 1-рақамли «Амир Темур» ордени топширар экан, бундан кейин 18 октябрь - Самарқанд шаҳри куни бўлиб қолиши тўғрисида таклиф киритди. Шундан буён октябрь ойининг бир куни самарқандликлар учун катта байрам бўлади.

- Самарқанд сайёҳлар шаҳри дея эътироф этилаётгани сир эмас. Шу боисдан бу ерда қандай эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда?

- Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан қадимий обидаларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга қизғин киришилди. Шаҳарни кўркамлаштириш борасидаги ишлар доимийдир. Замонавий иншоотлар меҳмонлар ҳайратини янада ошириши шубҳасиз. Яқинда Темир йўл туманида маҳалла маркази, вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси марказлари ташкил этилди.

- «Самарқанд шаҳри куни» байрамининг ўтказилиши тартиби қандай ?

-Эрта тонгдан дастлаб «Руҳобод»мақбараси зиёрат қилинади. Сўнгра ўқув юртлари, хиёбонлар ва меҳнат жамоаларида бўладиган байрам тадбирлари халқ сайли билан уйғунлашиб кетади. Бу галги шаҳримиз куни илгаригиларидан бутунлай фарқ қилади. Шунингдек, Темир йўл туманида «Суғдиёна» боғи очилади. Республикамиз санъат юлдузлари иштирокидаги катта концерт кўп минг сонли томошабинларга манзур бўлади деган умиддамиз.

«Mahalla» мухбири Одил САРМОНОВ сухбатлашди.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2003 йилда атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган Ғафур Ғулом ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун Республика очиқ танловини эълон қилади.

Танловда профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарошлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар шу йилнинг 30 ноябригача Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар таъсис этилди:

- Биринчи ўрин учун 500 минг сўм пул мукофоти;
- Иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига рағбатлантирувчи мукофотлар.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотларни 56-50-47, 56-53-46, 56-34-07 телефонлар орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита

Гина

ҲОФИЗ БЎЛАМАН ДЕБ «ЖОНОН БЎЛАМАН...» НИ ХОР ҚИЛАСИЗМУ?

Кечагина радиода - «Водий садоси» тўлқинларида қизиқчи Мирзабек Холмедов ижросида «янги қўшиқ» эшитдим. Қўшиқ матни «Қўшгани билан қўша қариш керак...» каби зўрма-зўраки эзмалик ва оддий сўзлардан иборат. Бунинг устига зўрма-зўраки чинқириқлар ҳам кайфиятингизни... ҳар ҳолда кўтармайди?!

Ҳаммасига чидаш, ҳеч бўлмаса, радиони ўчириб қўйиш ёки радио мурватини бошқа тўлқинга бураш билан қутилиш мумкин эди... Лекин... шу пойинтар-сойинтар жумлалар, беҳуда, ёқимсиз, ўрнига тушмаган бақириқлар халқимизнинг машҳур ва манзур ҳофизи, гарчи марҳум бўлиб кетган бўлса-да ҳамон эл эъзозида бўлган хонандамизнинг машҳур «Жонон бўламан деб...» деб бошланувчи қўшиғи куйига солиниб айтилишига нима дейсиз?!

Қизиқчимизда қўшиқ ижро этиш иштиёқи шу даражада кучли экан, қўшиқчиликка, устоз ҳофизларга, тингловчига нописанд қарамаслик лозимлигини ҳам унутмаса бўлар эди.

«РАДИОТИНГЛОВЧИ»

Ютуқларимиз

ПУСАНДАН КЕЛГАН 51 ТА МЕДАЛЬ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Унда юртимизнинг 214 нафар вакили спортнинг 24 тури бўйича иштирок этди.

Осиё ўйинларида учинчи марта қатнашган ўзбекистонликлар 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза - жами 51 медаль жамғариб, қирқдан зиёд мамлакат орасида бешинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртларимиз Осиё чемпионатида қўлга киритаётган медаллар сони ва сифатини ошириб бормоқда. 1998 йили Таиланд пойтахти Бангкокда ўтган Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 6 олтин, 22 кумуш ва 12 бронза медалига сазовор бўлганини инобатга олсак, бу галги ўйинлардаги медаллар сони ва салмоғи янада юқори бўлгани сезилади

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" кайфия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ХАЛҚАРО ХАБЕР

Шарҳловчи минбари

БАЛИДА ФОЖЕА

Индонезиянинг хорижлик сайёҳлар кўп келадиган Бали оролидаги Кута шаҳрида йирик қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.

Сўнгги хабарларга қараганда, қурбонлар сони 187 кишига етган, уч юздан ортиқ одам жароҳатланган. Портлаш оролда ноқонуний фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳ жангарилари томонидан амалга оширилган, деб тахмин қилинмоқда.

Бали ороли ўзининг сайёҳлар хордиқ чиқарадиган гўшалари билан машҳур. Айниқса шаҳардаги тунги клублар хорижликлар энг гавжум бўладиган маскан ҳисобланади. Айни мавсум пайтида бу ерда бутун дунёдан сайёҳлар дам олгани келади. Портлашлар бир вақтнинг ўзида қатор тунги клубларда юз бергани ҳисобга олинса, террорчилик аввалдан режалаштирилганини билиш қийин эмас. Ҳатто, оролдаги АҚШ консуллиги биноси ёнида ҳам портловчи мослама ўрнатилгани аниқланди.

Жароҳатланган ва қурбонларнинг асосий қисми Австралиядан бўлгани учун мамлакат бош вазири Жон Говард Индонезия ҳукумати ушбу қўпорувчилик юзасидан текширув ишларини қаттиқ назорат этишини сўради. Ҳозир юзлаб сайёҳлар оролдан хавфсиз жойга кўчирилмоқда. Орол касалхоналари жабрдийдалар билан тўлиб кетган.

Мазкур портлаш давлат тарихида энг даҳшатли воқеалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Индонезия президенти Мегавати Сукарнопутри жиноятчилар аниқланиб, албатта жазога тортилишини таъкидлар экан, мамлакат аҳлини тинчлантиришга уринмоқда. Президент номига жаҳон давлатларидан таъзияномалар келиб турибди.

Индонезияда ҳукм сураётган нотинчлик Жануби-шарқий Осиёда терроризм кенг тарқаганидан дарак беради. Мутахассислар портлашни «Ал-қоида» жангарилари амалга оширган бўлиши мумкин, деган фикрни илгари сурмоқда.

Айни пайтда Индонезия ҳукумати портлашни уюштирганларни аниқлашга киришган. Уларга АҚШ Федерал қидирув бюроси ходимлари ҳамда Австралиядан мутахассислар ёрдам бераётир. Жакартадан хабар берилишича, текширув ишларига яна бошқа давлатлардан ҳам мутахассислар жалб этилади.

Октябрь Индонезия учун анча беҳаловат келди. Яқинда мамлакатда кучли зилзила содир бўлганди. Талофотлар бартараф этилмасдан туриб, Балидаги қўпорувчилик ҳукуматни янада мураккаб аҳволга солиб қўйди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Маҳалла ҳудудида

«УЙИМИЗ «МАНЗАРАЛАР ГАЛЕРЕЯСИ»

Рассомларнинг ижодларидан баҳраманд бўлиш учун одатда галерея, санъат музейлари ва кўргазмаларга борамиз. Кейинги йилларда рассомларимиз орасида ўз уйларида музейлари очиш, кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланди.

Албатта рассомнинг уй музейига ёки кўргазмасига энг биринчи ташриф буюрувчилар шу маҳалла аҳли - қўни-қўшнилари, қолаверса, маҳалла ёшлари бўлади. Айнан ўша маҳалла аҳли ўз маҳалладошлари бўлган рассомнинг санъатидан бошқа санъат ихлосмандларига қараганда кўпроқ баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Яқинда ана шундай яна бир маскан - Тошкентнинг Шайхонтоҳур тумани Исломобод маҳалласида Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Мирсоатов уйида «Манзаралар галереяси» номи билан очилди. Галереядан рассомнинг қарийб ўттиз йиллик ижоди ва меҳнати самараси бўлган ўнлаб асарлари жой олган. Санъатшуносларимиз Анвар Мирсоатовнинг ижодига баҳо беришда «Она юрт, табиат куйчиси» деган иборани кўп ишлатишади. Чунки унинг ҳар бир асари юртимизнинг мафтункор ва сўлим масканларини, ўлкамиз табиатининг тароватини акс эттиради. Бугунги кунда унинг тасвирий асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида намойиш этилмоқда, Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки коллекциясига киритилган. Шундай бўлса ҳам, ушбу галереяни очишга рассомни нима ундади экан?

- Авваламбор ёшларимиз учун. Тўғри бугун «Манзаралар галереяси»га ташриф буюраётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам келажакда рассом ёки шу соҳа устаси бўлиб етишмайди. Лекин қай соҳа кишиси бўлишидан қатъий назар инсон санъат асаридан баҳра ола биладиган, баҳолай оладиган даражада дидли бўлиши керак. Ёшларимизда ана шу дидни, дунёқарашни шакллантиришда санъат асарларидан оладиган таассуротлари катта аҳамиятга эга, - дейди Анвар Мирсоатов. - Қолаверса, халқимиз азалдан санъатсевар. Турмушнинг майда-чуйда ташвишларидан толиққан кишига шундоқ ёнида турган санъат асарини томоша қилиш бир қадар хотиржамлик, маънавий қувват беради.

Анвар аканинг ўзлари ҳам, турмуш ўртоқлари Мукаррам опа ҳам ҳозир пенсиядалар. Анвар ака ҳазил-чин аралаш Мукаррам опани галерея директори деб атайди. Аслида бу гапда ҳақиқат бор. Чунки Анвар акани шундай галерея ташкил қилишга ундаган киши рафиқаси бўлади.

- Кўп йиллар болалар боғчасида мусиқадан дарс берганман. Яхши биламанки, боғча ёшидаги болалар мусиқага, тасвирий санъатга жуда қизиқувчан бўладилар. Тарбиячилари боғча болаларини галереямизга олиб келишса жуда яхши бўларди, - дея фикр билдирди рассомнинг рафиқаси.

- Ҳозирги кунда маҳаллаларда қутубхоналар, музейлар каби маданият-маърифат ўчоқлари кўплаб ташкил этилмоқда. Биздаги каби галереялар очиш ҳам яхши анъанага айланишига ишонаман. Галереяга ташриф буюриш бепул, чунки Анвар ака ўзи зиёли одам, ижодкор бўлгани учун бу тадбирдан иқтисодий манфаатни эмас, инсонларни тасвирий санъатдан баҳра олдиришдек олийжаноб мақсадни кўзлаганлар, - дейди Исломобод маҳалласи оқсоқоли Эркин Қосимов.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

ОБУНА — 2003 *ДАЪВАТ*

Республикамиздаги ўн мингдан ортиқ маҳаллаларга «Mahalla» газетаси етиб бориши шарт деб биламиз...

Матбуот инсон ақлига ақл, билимига билим қўшувчи шундай бир кучли маънавий қуролки, уни жамият мафкурасининг ёрқин акси деса муболаға қилмаган бўламиз.

Кўпинча биз турмушимизнинг на моддий ва на маънавий томонлари учун унча аҳамиятга эга бўлмаган харажатларда ўта сахий бўлиб кетамиз-у, лекин газеталарга обуна бўлишда ўта «тежамкор»лик қиламиз. Маҳаллаларда яшаб туриб газета ўқимасак, жамият ҳаёти билан қизиқмасак, инсон ҳаётига тўкислик бағишлаб, унга бахт келтирувчи оилаларнинг жипслиги, аҳил ва иноқлигига оид ажойиб мақола, фикр мулоҳаза ва мулоқотлар билан танишиб бормасак ҳаётимиз кўнгилдагидек ўтармикан?

Республикамиздаги ўн мингдан ортиқ маҳаллаларга

«MAHALLA» - ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

«Mahalla» газетаси етиб бориши шарт деб биламиз. Маҳалла оқсоқол ва котиблари, посбон, тарбиячи ва хотин-қизлар кенгашининг раисалари бусиз самарали фаолият кўрсатиши анча қийин кечади. Буни «Mahalla»нинг айни дамдаги мазмунидан келиб чиқиб айтаяпман.

Хонадонлар ёки жисмоний шахслар томонидан бўладиган обуналар хусусида шуни таъкидламоқ керакки, албатта бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган вақтинча қийинчиликлар шароитида икки-учта қўшнилар биргалашиб шерикликка ҳам обуна бўлишлари мумкин. Масалан бизнинг маҳаллада бир неча қўшниларнинг биргалашиб 2-3 та газеталарга обуна бўлишлари одат бўлган.

Шунингдек, газета ва журналларга обуна бўлишда маҳаллалардаги тадбиркор ва ишбилармон сахий ҳомийларимизнинг беғараз ёрдамлари, маҳаллалар қошидаги «Маънавият ва маърифат» заллари ва «Маҳалла дарсхоналари»да кундалик матбуотнинг доимий мавжудлиги ҳам жамиятимиз мафкурасининг акси бўлган матбуот хабарларидан баҳраманд бўлишларида муҳим аҳамиятга эга.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Тошкент вилояти Тошкент тумани
Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ЧЎЛДА ЮРИБ БАХТ ТОПГАН...

Абдурауф Юсупов бундан эллик беш йиллар муқаддам Жалолқудуқдаги тенгқурлари билан даврама-давра юргувчи бўз йигит эди.

Бундай ёшда кўнгил орзуга, шижоатга деярли тўлиқ бўлади. Мирзачўлни ўзлаштириш учун йигит-қизлар кучи зарур бўлаётганини эшитган Абдурауф ҳеч ўйлаб ўтирмай сафарга отланди...

Чўлда ишлаб юрган кунларининг бирида у Мадина исмли қиз билан танишди. Гулистондаги болалар уйида ўсиб-улғайган бу қиз жуда хушмуомала ва зийрак эди. Иккиси аҳду паймон қилдилар. Чўл бағрида «ёр-ёр» садолари янгради.

Йиллар - оқар дарё. Мана, Абдурауф ота ҳам етмишлардан ошиб, пиру бадавлат бўлди. Мадина ая билан аҳилу иноқ ҳаёт кечиришяпти. Тўққиз ўғил-қизни тарбиялаб, элга қўшишди. Айни чоқда набиралар элликтага етди. Байраму ҳайитларда йиғилишса катта ҳовли нақ тўйхонага айланади.

Абдурауф Юсупов ўзи яшаётган Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов номли туманидаги Пахтаобод хўжалигида кўп йиллар ҳалол меҳнат қилди. Ер чопди, трактор ҳайдади, сувчилик қилди. Мадина ая билан ҳам рўзғорни, ҳам дала ишини эплашди. Кам бўлишмади. Мукофотлар олишди, мақтовлар эшитишди. Эндиликда бу аҳил хонадонга барчанинг ҳаваси келади.

Абдурауф ота қарилик нафақасига чиққач, боғ-роғларни парваришлашга киришди. Ободончилик юмушларининг бошида турди. Фарзандлари ҳам оталари каби меҳнаткаш бўлиб етишдилар. Бугун ҳар бирлари эл-юрт хизматида. «Мен чўлга ишлаш учун келгандим, ишладим. Бахтимни ҳам шу ерда топдим. Ҳаётимдан мамнунман» дейди ота.

Ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшамоқ ҳар биримизга насиб этсин.

Ўз мухбиримиз.

ОЛИМА, ПЕДАГОГ, МУРАББИЙ

Собиқ тузум даврида бизда психология каби фанларга деярли эҳтиёж йўқ эди. Бу фанга тегишли адабиётлар кам бўлиб борлари ҳам рус тилида эди. Шундай шароитда заҳматкаш зиёлиларимиз ўзбек тилида ёшларимиз учун маърузалар тайёрлаб, ўқув қўлланмалари яратдилар. Шундай зиёлиларимиздан бири Чилонзор тумани Чилонзор маҳалласида истиқомат қилаётган Малика она Раҳимовадир.

Олиманинг қатор йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари асосан психология фанини олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқитишни такомиллаштиришга қаратилгандир. Унинг «Психология курсида кўрсатмалилик» номли ўқув қўлланмаси психологияни ўқитиш ва мазкур фанни илмий мулоҳазалар билан бойитишга хизмат қилади.

Малика опа ҳозирги кунда 90 ёшни қаршилаб, пенсияда бўлишига қарамасдан, доимо изланишда. Бунинг исботи сифатида опанинг 1999 йилда «Мувароуннаҳр» нашриёти томонидан чоп этилган «Оилага совға» китоби педагогик жамоатчилик томонидан юқори баҳоланганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

И.ИБРАГИМОВА.
СУРАТДА: Чилонзор маҳалласи оқсоқоли О.Муталов Малика Раҳимовани 90 ёши билан қутлаб келди.

Муаммоларимиз

«МАҲАЛЛАМнинг ТАШВИШУ ҚУВОНЧЛАРИ»

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номли туманидаги «Феруза» мавзесида Феруза маҳалласи бор. Йигирма бешта кўп қаватли уйни ўзига бирлаштирган бу маҳаллага Ҳусан ака Мусабоев оқсоқоллик қиладилар.

- Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, маҳалламизнинг обрўсини кўкка қадар кўтаргувчи ҳурматли инсонлар қаторида маҳалла билан ҳисоблашишни истамайдиган баъзи оила бошлиқлари ҳам учраб туради, - дейдилар оқсоқол. - Минг афсуслар бўлсинки, тилга олаётганимиз ўша «баъзилар» аёл кишилардир.

- Бозор шароити аёлларимизнинг айримларига салбий таъсир кўрсатмоқда, - дейди маҳалла котибаси Насиба Нодиралиева. - Мана шундай дунё кўрган аёлларимиздан бири ўринсиз рашк туфайли ўғлининг оиласини барбод қилаёзди. Маҳалланинг қатъий ҳаракатлари натижасида ёш оила сақлаб қолинди.

Биз ўзбеклар болажон халқмиз. Кўп болали аёлларга ўзгача ҳурмат билан қаралган. Аммо шундай ҳолатлар бўладики, кўр-кўрона эътиқод фожиага сабаб бўлади. Бир йилча муқаддам маҳалламизга ёш оила кўчиб келди. Уларнинг учта фарзандлари бўлиб, аёли тўртинчисига ҳомиладор экан. Кўп ўтмай гинеколог врач бизга шуни маълум қилди: «Аёл юқумли сил касаллиги билан оғриган, унга туғиш умуман мумкин эмас!» Бу нарса бизни қаттиқ ташвишга солди. Улар билан гаплашишнинг иложи йўққа ўхшарди. Чунки ўзларини диндор санаб тиббиёт ходимлари маслаҳатини қабул қилмасди. Ниҳоят бир куни уларнинг уйига (уй деганимиз яп-ялангоч, битта палос ва тўртта кўрпачадан иборат хона) кириб эри билан гаплашишга муяссар бўлдик. Натижасиз! Биз қотил эканмиз. Юраги уриб турган тирик жонни ўлдиришга мажбур қилаётган, Оллоҳнинг иродасига қарши бораётган эканмиз. Баҳс шу билан тугадики, «агар аёлим билан туғиш даврида фожиа содир бўлса, мен айбдорман. Абортга мен розилик бермадим», деган мазмунда тилхат берди. Бу ечим эмас эди. Аёл шу кундан бошлаб врач назорати остида шифохонага ётқизилди. Чунки аборт қилиш учун ҳам вақт ўтган эди. Афсуски, аёл туғиш пайтида оламдан ўтди. «Қаҳрамонимиз» эса шу-шу қорасини кўрсатмади. Етим болалар сони яна учтага кўпайди.

Бу фоҳеа фожиали, аччиқ сабоқ бўлди. Ҳар доим аёллар билан гаплашганда киши билмас соғлиқлари билан қизиқаман. Чунки соғлом бола соғлом онадан туғилади. Нечта бола кўриш ниятлари борлиги билан қизиқаман. Уларга ботмайдиган қилиб маслаҳатлар бераман.

- Бизда нафақат муаммолар, балки мақтансак арзийдиган ишлар ҳам қилинмоқда, - дейдилар Ҳусан ака яшнаб турган спорт майдонини кўрсатиб. - Ҳали таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бизнинг ҳомийларимиз йўқ. Барчасини ўз кучимиз билан бажаряпмиз. Барча маҳалла аҳли учун мунозараларга бой, қизиқарли маърузалар ўтказиб турамиз.

Маҳалланг - ота-онанг деб бежиз айтилмаган. Оилавий муаммолар жуда нозик бўлиб, баъзан четдан аралашув муаммони чуқурлаштириб юбориши мумкин. Маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари бундай вақтларда сўзамоллик билан барчасини бирдек тарозига солиб иш кўришлари лозим бўлади. Шу ўринда Феруза маҳалласида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

- Нима дейди?
- «Mahalla»га обуна бошланибди, - дейди!

«MAHALLA» мухбирлари хабарларидан

Қорақалпоғистон Республикаси

ОҚШЎЛОҚ ОБОД БЎЛАЯПТИ

Бу посёлка Кўнғирот шаҳридан 60 километр ғарбда Уст-юрт пасттекислигида жойлашган. Бу ерда компрессор ва темир йўл станциялари бир маромда ишлаб турибди. Шу боис ишга яроқли аҳолининг 90 фоизи темир йўл корхоналарида хизмат қилади.

Мазкур посёлкада иккита ўрта мактаб, болалар боғчаси, еттита маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, бозор қурилиб ишга туширилди.

Айни пайтдаги бу посёлкада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўраганимизда Оқшўлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Айитниёз Жумамуродов шундай деди:

Шунингдек, Оқшўлоқ янги даҳалар ҳисобига янада обод бўлмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ.

Банклар ва фуқаро

БИЗ СИЗГА ҲАМКОРМИЗ

Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби банк тизимида ҳам рўй бераётган ижобий ўзгаришларни англаш учун албатта бу соҳа ходими ёки банк мижози бўлиш шарт эмас.Чунки уларнинг фаолияти жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига катта таъсир кўрсатади. Қолаверса, юртимиз аҳолисининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлашдек масъулиятли вазифа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи - маҳаллалар орқали амалга оширилаётгандан буён банклар ва маҳаллалар фаолияти яна бир жиҳатдан бир-бирига боғланди. Шу ўринда жойларда банк бўлимларининг маҳаллалар билан ҳамкорликда намунали фаолият кўрсатаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

- Туманимизда 52 нафар маҳалла мавжуд. Ушбу маҳаллаларнинг ходимлари, айниқса оқсоқоллари билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда ишлаяпмиз, - дейди туман Халқ Банки бошқарувчиси Исматулло Шукуров. - Чунки ҳукматимиз бугунги кунда фуқароларимизнинг ижтимоий муҳофаза қилинишларига катта эътибор қаратмоқда. Маҳаллалар томонидан белгиланадиган 2 ёшгача боласи бўлган оналарга, 18 ёшгача фарзандлари учун тўланадиган нафақаларни, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ёки ногиронларга кўрсатиладиган моддий ёрдамларни ўз вақтида тўлаш учун саъй-ҳаракатларимизни аямаяпмиз. Туман бўйича шу мақсадга белгиланган маблағ бир неча миллион сўмни ташкил этади. Нафақа ва моддий ёрдамларни тайинланган муддатда тўланишини, нақд пул таъминотида муаммолар бўлмаслигини қаттиқ назоратга олганмиз.

Халқ банки туман бўлимининг маҳаллалар билан ҳамкорликда юритаётган фаолиятидан ташқари, унинг мижозлари орасида ҳуқуқий шахсларнинг сафи ортиб бораётгани қувончли ҳолдир. Бунга бу ерда мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш бўйича қўлланилаётган тадбирлар сабаб бўлмоқда. Банкнинг Маҳмуд Назаров, Болта Абдиев, Абдуғаффор Бобомуродов, Шойим Омонов, Гулсара Жўраева каби ходимлари мижозларга аниқ хизмат кўрсатишда, хушмуомилаликда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Шунингдек туманда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳолини белгиланган 8 турдаги халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш мақсадида 49 миллион 500 минг сўм маблағ кредит сифатида ажратилди. Айнан ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга 5 миллион 500 минг сўм маблағ микрокредит сифатида берилди.

Умуман, Халқ банкининг Шўрчи туманида 14 та шахобчаси мавжуд бўлиб, бу ерда 54 нафар малакали банк ходимлари туман аҳолисига хизмат кўрсатмоқдалар. Халқ банки бўлими ҳозирги кунда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк хазиналарига жалб қилишда бир мунча ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда омонатчилар сони кундан-кун кўпаймоқда. Бунинг асосий сабаби Халқ Банки Бошқаруви томонидан жорий этилаётган юқори фоизли қисқа муддатли ютуқли омонатларнинг жорий этилаётганлигидир. Жорий йилнинг 1 апрелидан муомалага чиқарилган ютуқли депозит сертификатига аҳолининг қизиқиши ортиб бормоқда. Сабаби 5000 сўмга харид қилинган ютуқли депозит сертификати 1,000,000 сўм ютиши мумкин.

Хуллас, Шўрчи туман Халқ банки бўлимининг аҳил жамоаси фаолиятларини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида тинмай изланмоқдалар, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Самарқанд вилояти

«Маҳалламиз полвонлари» турнирида

«КИМ ПАҲЛАВОН БЎЛАДИ?»

Бир неча ойлардан бери шу савол вилоят ёшларининг хаёлидан тез-тез ўтиб турарди. Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтариладиган вақт келди.

«Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири мусобақаларининг вилоят бўйича якуний босқичи 11-12 октябрь кунларида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу беллашувга вилоятдаги ўнлаб маҳаллалардан полвонлар қатнашишиб, уларнинг 21 нафари ўз вазнлари бўйича ғолиб деб топилдилар ва Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқаро «Кураш» федерацияси вилоят бўлимларининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди. Ғолиблар орасида 12 ёшли болалардан тортиб, 62 ёшли отахонлар ҳам бор. Паҳлавонлар айни кунларда кураш мусобақаларининг республика босқичида иштирок этиш учун қизғин тараддуд кўришмоқда.

Одил САРМОНОВ.

Ташаккур

ОҚСОҚОЛ ОҚИЛ БЎЛГАЧ...

Ўзим Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида истиқомат қилсамда, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласи фаолияти хусусида фикр билдирмоқчи эдим...

Гап шундаки, менинг қизларим кўп қаватли уйлардан ташкил топган ушбу маҳаллада истиқомат қилишади. Мен тасодифан катта қизимнинг атрофида гўёки кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи бир нечта шубҳали кишиларнинг ўралашиб қолганини билиб қолдим. Дарҳол Гулистондан Тошкентга етиб келдим, чунки қизимнинг товламачилар туфайли икки боласи билан кўчада қолиши мумкинлигидан қаттиқ хавотирга тушгандим. Афсуски, қизимга менинг панд-насиҳатларим кор қилмади. Иложсизликдан маҳалла идорасига йўл олганимда, тўғриси, маҳалланинг ёки оқсоқолнинг менга ёрдам бера олишига унчалик ҳам умидвор эмасдим. Буни қарангки, маҳалла оқсоқоли Мирислом Миржалилов ҳақиқатдан ҳам жуда бандлигига қарамай, ўзини ўта банд кишидек тутмади, мени диққат билан тинглади. Кейин зудлик билан маҳалла кенгаши маслаҳатчиларини, қизим яшайдиган уйнинг уйбошисини ҳузурига чақирди. Улар билан маслаҳатлашгач, қизимни чақиртирди, суҳбатлашди. Афсуски, қизим ўз билганидан қолмади. Лекин оқсоқол бу масалани ўз ҳолига ташлаб қўймади. У бундан кейин ҳам қизим билан бир неча марта маҳалланинг бошқа жонкуяр оқсоқоллари иштирокида суҳбатлашди, маслаҳатлар берди.

Оқсоқолнинг жуда зийрак ва оқил инсон эканлигига амин бўлдим, чунки бу масала ушбу хонадонда менинг яна битта қизимнинг рўйхатда туриши ва яшаши туфайли каттагина оилавий можарога айланиб кетиши мумкин эди. Айни дамда ҳатто мен ҳам бу можаронинг олдини олишга ожизлик қилардим. Оқсоқол эса вазиятни тушунди ва расмийлаштириб қўйди. Шундан сўнг мен ушбу Янги ҳаёт маҳалласи оқсоқолидан чексиз миннатдор бўлган ҳолда Гулистонга қайтиб кетдим.

Л.МАХНАКОВА.
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.

ҲАСРАТ

Кўнглингиз хирами, ҳожи Боймурод?

Сиз сўраманг, мен айтмай. Тунов куни нариги кўчада турувчи Хадича хола эшик қоқиб келди. Институтда ўқийдиган кенжа ўғли Қатортут маҳалласидаги тикувчи қизга кўнгил бериб қўйибди. «Буни нимасига хафа бўласиз синглим, қайтанга суюнмайсизми?» деб қойингандек бўлдим.

- Биласиз, буларнинг отаси бемаврид дунёдан кўз юмди. Бунинг устига ҳали акаси уйланмаган. Мени қийнайдиган яна бир жойи, боласи тушмагур шўхлик қилиб қўйган. Эрта-индин бола туғилиб бизнинг ҳам, қиз томоннинг ҳам юзимиз шувит бўлмасин дейманда, Ҳожи ота.

- Ҳе, ҳали шунақа денг? Хўш, биздан нима хизмат? Қўлимдан келса бош устига.

- Ёнма-ён икки қўшнимни совчиликка боришга кўндирдим. Шуларга бош бўлсангиз.

Илож қанча, рози бўлдим. Қолаверса совчилик савоб иш. Буни кўп синаганман. Сен ўртага тушиб уйлантирган йигитнинг отаонаси бир йил ўтар-ўтмас «Бешик тўйига марҳамат қилинг, сиз тўй бошида тургансиз» деб эшигингдан келса кўнглинг тоғдек кўтарилади.

Хадича холадан бир қадар маслаҳат олиб, рўзғорнинг паст-баланди, имкониятини англагандек бўлиб совчиликка жўнадик.

Тўғриси, бизни қиз томон ёмон кутиб олишмади. Ҳовли-жойи бекаму кўст, қизнинг отаси, амакию, тоғалари гапга етарман одамлар экан. Ташрифимиз боисидан хабардор мезбонлар маҳалла оқсоқоли ва иккиуч қайвонисини ҳам чорлашган.

Анча вақт уёғ-буёғдан суҳбатлашганимиздан сўнг гурунг асл муддаога кўчди.

- Гапнинг индаллоси қулчиликка келдик, - дея секин гап бошладим мен. - Сиз ақли роса қиз ўстирибсиз, бизнинг маҳалламизда унга тенг ўғил улғайган. Аллоҳ розилиги билан ана шу йигит-қизнинг тақдирини бирлаштирсак, деган ниятда келгандик, - дедим.

- Қизни биз ўстирган бўлсак ҳам унинг ихтиёри кўпчиликда, - деди сермулоҳазалик билан қизнинг отаси - «Бир тоға етти отанинг ўрнини босади» деган ҳикмат бор. Маҳалла-кўй дегандек, «Бир болага етти маҳалла оталик қилади» дейишган ота-боболаримиз.

Маслаҳат силлиққина давом этди. Қариндош-уруғлар куёв бўлмишнинг кимлиги, оилавий аҳволи ота-боболарини суриштиришдию, бирор ножўя сўз айтишмади.

- Хўш, энди асл мақсадга кўчайлик, - деди даврада анча эркин, таъбир жоиз бўлса ўзини ҳукмрондек ҳис этиб турган маҳалла оқсоқоли. - Олиб келадиган тўй масалаларини эшитайлик.

- Элда борини берамизда, - дедим.

- Бу умумий гап, лўнда қилиб берадиганларингни айтинглар. Айтиб қўяй, маҳалламиз катта.

Хадича холанинг айтганларини тилга олгудек бўлсам оқсоқолнинг портлашига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Куёв боланинг талабалиги, Хадичанинг бошида эркаги йўқлигини эслатиб мадад истадим оқсоқолдан.

- Бир қозон қайнатамизда, раис бўтам. Шунга яраша гўшту ёғ, мева-чева... дегандек.

Раис хохолаб кулди.

- Бир қозон деганимиз кўпи билан 60 килограммда, а?! Бу бизнинг маҳалламизга умуман етмайди.

Яхшиям бир қозон дедим. Хадичахоннинг «30 килодан бир кило ҳам ортиқ гуруч беролмайман» деганини эслатсам билмадим биз совчиларнинг аҳволи не кечар эди.

- Куёв бўлмиш ҳали талаба. Насиб этса, оила қуриб бола-чақали бўлиб кетишса, ота-оналари кўришмаганини улар кўришар.

- Насия гапни қўйинг, отахон, нақдидан гапиринг. Талаба бўлса унга ким қўйибди уйланишни. Ўқишини тугатсин, ишлаб бешўн сўм пул топсин.

Қуда бўлмиш вазиятни бироз юмшатмоқчи бўлди:

- Гап бундоқ, раис бува. «Элчига ўлим йўқ» деган гап бор. Булар бир хонадондан вакил бўлиб келишган. Эшитдингиз, қуда бўлмишнинг қўли қисқа экан. Тўй икки томонники. Ахир биз ҳам бел боғлаб турибмизку.

- Э бормисиз, қуда, бор экансиз-ку, - деганимни билмай ҳам қолдим.

Яхшиямки оқсоқолни кимдир йўқлаб келди. У ташқарига чиққач қудалар билан ўзаро келишиб олдик.

Оқсоқол яна шашт билан кириб чордона қурди:

- Хўш, тезроқ келишайлик. Шаҳар ҳокимлигига чақиришибди.

- Энди маҳалла, тўй сизларники, биз бир вакилмиз. Айтганингизни бажо келтирамиз. Икки қозон бўлса, икки қозонда, - дедик.

- Мана бу бошқа гап, бор экансиз-ку, Ҳожи ота, - оқсоқолнинг рангига қон югурди.

Не азоблар билан бўлмасин муросага келинди, фотиҳа ўқилди. Қандай бўлса ҳам айтганига кўндирган, мажбур қилдирган оқсоқол мамнун, бунақа телбанома маҳалла раисини биринчи бор кўрган менинг эса дилим хира эди.

Боймурод Ҳожининг ҳасратларини оққа кўчирувчи Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

САХОВАТЛИ ТАДБИРКОР

Аслида бой бўлиш осонми? Йўқ. Топилган ҳар бир сўм ортида изланиш ва ғайрат, билим ва меҳнат бор. Бизда бой-бадавлат кишилар кўп. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳар соҳада эмин-эркин фаолият юритишга кенг йўл очилди.

Бугунги кунда ким ақл-идрок билан иш юритса, меҳнат қилса, тадбиркор бўлса - ўша бой яшайди. Ташкилотчи, билимдон, серҳаракат, заҳматкаш кишилар борки, ҳамма-ҳаммасининг турмуши фаровон, оиласи обод, кайфияти чоғ! Бой яшаётган одам ўзинингина манфаатини кўзласа, айтайлик, қўшниси муҳтож бўлиб турганида унга қиё ҳам боқмай фақат ўзининг даромадини кўпайтиришни ўйласа, у кимга ҳам маъқул келади, дейсиз. Бордию, у ўзи яшаётган маҳаллага қайишса, зарур пайтда кишилардан ёрдамини аямаса, бу бошқа гап!

Асаканинг Оқ бўйра қишлоғида яшовчи Раҳимжон Холмирзаев худди шундай тадбиркорлардан бири. Унинг хонадони эса қишлоқ қизларига чеварликдан сабоқ беради. Эру хотин икки ўғил, икки қизни тарбиялаб эл-юртга қўшдилар. Эндиликда бу хонадонни фақат асакаликлар эмас, балки Андижон вилоятида ҳам ҳурматлаб эъзозлайдиганлар кўплаб топилади.

Раҳимжон Холмирзаевнинг «Ал-Азиз» фирмасини айни пайтда унинг икки ўғли бошқаради. Тадбиркорликдан тушган даромад кўпинча эзгу ишларга сарф бўлади. Маҳалла-кўйда ўтказилаётган тадбирлар дейсизми ёки қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизишми ёинки янги бинолар қурилишими... Раҳимжон аканинг ниятлари холис. Агар ўзига яна 50-60 гектар ер ажратилса, бу ерда деҳқончилик қилиб, даромадининг бир қисмига Оқ бўйра қишлоғи учун спорт ўйингоҳи қурсам деган ниятда.

Хуллас, қишлоқликларнинг муаммолари ечимини топишда Раҳимжон Холмирзаев оиласининг ҳиссаси катта. Саховатпеша ва куйинчак бу инсоннинг яхшиликлари ҳар бир кишига ўрнак қилиб кўрсата арзигуликдир.

Ў.Тошпўлатова.

Раҳимжон Холмирзаев (чапда) ҳар доим янги бино пойдевори учун биринчи ғиштни қўйишни отахонлардан сўрайди.

Майда гап эмас!

«ХЎЖАЙИН» ДЕМАНГ, ХЎЖАЙИН!»

Бир масала юзасидан мутасадди ташкилотга бордим. Чамаси қирқ ёшлардаги бир кишидан менга зарур одамнинг қайси хонада ўтиришини сўрадим.

...Сен унинг хизматкори ёки қулимидингки, икки гапнинг бирида «хўжайин» дейсан, ука?...

У рўпарадаги хонани кўрсатиб «Ҳозир хўжайиннинг ўзлари ҳам чиқиб қоладилар» деди. Унинг «хўжайин» деганидан бироз ғашим келди. «Ўзингиз ким бўлиб ишлайсиз?» деб сўрадим. «Мен хўжайиннинг шофёрлари бўламан» деди. «Хўжайин» сўзининг яна ўртага суқулганига чидолмадим:

- Жиян, сочингга оқ оралаганидан ёшинг элликнинг нари-берисида бўлса керак. Ҳар ҳолда ўнинчи синфдан кам бўлмаган маълумотинг бордир, оққорани танийсан. «Хўжайин» деганинг нимаси? Бу ер давлат идораси, сен ҳайдовчи бўлсанг, «хўжайин» деётганинг сенинг раҳбаринг бўлади, холос. Ҳойнаҳой унинг хонасининг эшигида ҳам вазифаси «хўжайин» деб ёзилмаган. Сен ҳам, раҳбаринг ҳам жамиятга хизмат қиласизлар-ку, ахир. Хизматинг юзасидан сен унга бўйсунасан, у ҳам кимгадир бўйсунади. Бордию, тўй ёки бошқа тадбир қилсанг «хўжайининг» сенга хўжайинлик қилмайди-ку, тўғрими? Нари борса маслаҳат сўрайсан, уни ҳам ўзингга маъқул келса қиласан, бўлмаса йўқ! Сен унинг хизматкори ёки қулимидинг-ки, икки гапнинг бирида «хўжайин» дейсан, ука?

Ҳайдовчи сабрли одам экан, гапларимни эътироз билдирмай диққат билан эшитди. «Тўғри айтасиз, отахон!» дея маъқуллаб ҳам қўйди. Ҳар ҳолда эшикда раҳбари кўринганида «Ана ҳў-ў..., э, ўзлари келяптилар» деди. Мен шу ташкилотнинг раҳбари ўринбосари бўлган бу одам бизга яқинлашгач, бу ерга нима масалада келганимни айтдим. У бироз ўйланиб турди, сўнгра ташкилот раҳбари ўтирадиган йўлакнинг бошидаги хонага ишора қилди ва «Бу масала юзасидан хўжайинга мурожаат қилишингиз керак» деди. Беихтиёр «Ана холос!» деб юборибман. Суҳбатимизни эшитиб турган ҳайдовчи:

«Хўжайин, «хўжайин» эмас, «раҳбар» деб айтинг» дея мийиғида кулиб ҳазиллашди. Муовин эса бир менга, бир ҳайдовчисига савол назари билан қаради. Мен ҳайдовчига «Хўжайин»ингга ҳам сенга айтган гапларимни айтиб қўйгин» дедим-да, ташкилот раҳбари хонаси томон йўналдим. Улардан узоқлашар эканман ҳайдовчининг менинг гапларимни етказиш учунми ёки ўзининг бошқа гапини айтиш учунми, ҳарқалай одатдаги «хўжайин»нинг ўрнига раҳбарига «фалончи ака» дея мурожаат қилганини эшитдим...

Шукур ОРИПОВ,
пенсионер.
Тошкент шаҳри.

ТАХРИРИЯТДАН:

Отахоннинг ушбу мулоҳазаларини саҳифага тайёрлай туриб, бу ҳақда ростдан ҳам ўйлаб кўриш керак эмасмикан, деб фикр қилдик. Раҳбарни «хўжайин», «шеф», «катта» деб аташ кўпчиликка, аниқроғи, сўз маъносига тушунганларга эриш туюлиши табиий. Колаверса, шу вазифалар бугунги кунда соф ўзбек тилида чиройли атамалар билан аталиб келинмоқда-ку!

ЧАРХПАЛАК ҲАЁТ УНИ ЧАРХЛАДИ

Жамғармамиз ходими

Ҳаёт инсоннинг умри давомида беҳисоб синовлар қўяр эканки, улардан ўтиб бўлганча умринг ҳам ўз поёнига етиб қоларкан. Одам боши тошдан, дея бежизга айтилмаган.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Саттор Орипов ҳам ҳаётнинг не-не зарбаларига бардош бериб, унинг чиғириқларидан соғ-омон ўта олган инсонлар сирасига киради.

1932 йилнинг кеч кузагида Ориф акалар хонадонида тўрт пахса девор ичида, бир парча қамишдан тўқилган бўйра устида дунёга келган чақалоққа Саттор дея исм беришди. Саттор эндигина ақлини таний бошлаган кезда оғир хасталикка дучор бўлган она чин дунёга рихлат қилди.



Қишлоқ болалари билан у ҳам мактабга қатнай бошлади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшниларининг қистови билан отаси бир бева аёлга уйланди. Кунлар ўтаверди, тонглар отаверди. Саттор 4-синфга борарди. Ўгай она барибир ўгайлигини кўрсата бошлади. Саттор тезроқ отасининг ишдан қайтишини кутарди. Отаси ишдан қайтгач, унга зорланиб, ўзи билан ишга олиб кетишини сўрарди. Бир-икки бор отасининг ишхонасига бирга борди ҳам. Ўгай она томонидан мурғаккина қалби вайрон бўлган Саттор ўз уйидан кетишга аҳд қилди.

Қадрдон уйдан, ўртоқлари билан ўйнаган ҳовлисини тарк этган болакай ўша пайтдаги МТСга бориб қолди. МТС қоровуллари унга меҳрибонлик кўрсатишди. Уларга оғирлигим тушмасин дея бошқа жойдан бошпана ахтара бошлади. Уни тақдирнинг тақозоси билан Тожикистоннинг Аштига олиб кетишди. Болакайни елкасига опичлаб олиб кетган киши колхоз раиси Худойберди Алиев эди. Туққан эмас, боққан она деганларидек, Худойберди ака хотини билан ёш Сатторни ўз тарбиясига олди. Ота-она уни тожик мактабига ўқишга беришди. Шу тарзда Сатторнинг ҳаётида иккинчи саҳифа бошланди.

Орадан йиллар ўтди. Кунларнинг бирида қорахитойлик Муҳаммад Қаюмов туз конига бориб қолди. Таниш-билишларига «Бизнинг қишлоқдан бир бола йўқолиб қолган, уни топишга ёрдамлашинглар» деди. Муҳаммад ака Худойберди ака билан ўзаро келишиб келаси ҳафта Ангрен бозорида учрашадиган бўлди. Бир неча кундан сўнг эса ана шу учрашув туфайли Ориф ака ўғли билан дийдорлашди. Аммо Саттор ўзбекча гапиролмасди.

- Отам бечора, - дейди Саттор Орипов. - Мени яна қайта топгач энди сира ёлғиз қўймасди. Кунлар ўтаверди, ўша пайтдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида радиомеханик бўлиб ишлай бошладим. Ҳам мактабда ўқийман, кечқурун эса колхоз радиоузелида ишлайман...

Энг ёш пайтлариданоқ меҳнатга ўрганган Саттор ака Ориповнинг иш фаолияти ана шундан бошланди. У энди саккизинчи синфда ўқиётган кездаёқ армияга чақирилди. Ҳарбий хизматни ўтагач, яна район комсомол ташкилотининг инструктори бўлиб ишлай бошлади. У ўзининг тиришқоқлиги билан Оҳангарон шаҳар ижроқўми раиси лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1971 йилдан 1992 йилгача туман маданият ишлари бўлимини бошқарди.

- Саттор ака Орипов раҳбарлик қилган йиллар, - дея эслайди шогирди Абдулҳамид Қаюмов, - сира эсдан чиқмайди. У ўз ишининг жонкуяри, талабчан ташкилотчи раҳбар бўлиб ишлади. Ана шуларнинг эвазига туманда маданият гуллаб-яшнади. Республикада туман маданияти бўлими ходимларини номи машҳур бўлди. Туман маданият бўлими қаторасига тўрт марта байроқдор бўлишида Саттор аканинг хизмати беқиёс.

- Бир пайтлар марказий маданият уйи қошида «Оҳанграбо» ашула ва рақс дастаси бор эди. Мазкур даста бугунги кунда таниқлидир. Туманда ижодий тадбирлар юқори даражада олиб борилгани учун маданият бўлими ҳукумат томонидан бешта янги машина билан тақдирланди. Уларнинг барисида Саттор аканинг ўрни катта.

Саттор Орипов 1992 йил нафақага чиққач, туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига раҳбарлик қилди. Тиниб-тинчимас, Саттор ака ҳали ҳануз сафда. 1997 йилдан то шу кунгача «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ота БЕК.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳ ўзгариши расмийлаштирилганда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календар штемпели муҳри туширилиши керак.

Бу ҳолда обуначига обуна бўлинган ёки манзилгоҳ ўзгартирилгани учун пул тўлаганлиги ҳақида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда варақани сиёҳ билан, аниқ ва сўзларини қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Тадбир

КИТОБХОН ва КИТОБ

Яқинда Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида «Журналист аёллар клуби» ташаббуси билан «Мустақиллик йилларида нашриётларда юз берган ўзгаришлар, чоп этилган янги нашрлар, мавжуд муаммолар» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан нашриётларнинг ходимлари ва таниқли журналистлар китоб нашр этишдаги муаммолар, нашриётлар фаолиятида асосий эътиборни ёшларимизда адабиётга меҳр уйғотишга, болалар учун лотин алифбосида кўпроқ адабий асарлар чоп этилишига қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Давра суҳбатида қатнашчилари китоб мутолааси, нашр этилган китобларни тарқатиш, сотиш, вилоятларда китоб дўконларининг камайиб кетиш сабаблари, ёшларнинг мутолаага қизиқтириш янги асарларни тарғиб этиш, халққа тарқатиш масалалари бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Дилором ТОҒАЕВА.

ИБРАТЛИ ДУНЁ

Сени тушунмадим сеҳргар дунё,
Сеҳр занжирига ўралган гуё.
Аввал эркалатиб бошларим силаб,
Увол савобини сўрайман, дунё.

Бирда яхшиликни кутдинг инсондан,
Бирда жабру ситам ғамларга кўмдинг,
Бирда тақдир тошин ўйиб бошимга,
Бирда аламимга шериксан, дунё.

Кимдир умр отин ҳайдайди жадал,
Кимдир аро йўлда бўлиб саргардон.
Бироз тушунибди берганида жон,
Али бобо айтмас сим-сим дунёсан.

Баланд тоғлар айтар - умр жафоли,
Нодон айтар умр кайфу-сафоли,
Ҳаёт мазмунлидир, умр даволи
Фалакка чирмашган чексиз дунёсан.

Шоир ўғлинг бўлиб ўйлаб қоламан,
Афсус дардинг сезиб ўйга толаман,
Минг йил яшасам ҳам ибрат оламан
Абадул абадсан, тарихсан, дунё.

Аҳмад ТОЖИЕВ,
маҳалла котиби.

ФИНЛЯНДИЯ:

УЯЛИ ТЕЛЕФОННИНГНИ... УЛОҚТИР!

Финляндия бугунги кунда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда уяли телефон энг кўп тарқалган мамлакат ҳисобланади.

Яқинда Финляндиянинг Саволинна шаҳрида уяли телефонларни (фақат «Nokia» ва «Ericsson» русумидагиларни) улоқтириш бўйича ўзига хос чемпионат ўтказилди. Финн Петер Валта етти мамлакатдан 90 иштирокчи қатнашган мусобақада энг яхши натижага эришди. Петер «Nokia 5510» телефонини калтак ёрдамида 66 метрга улоқтирди. Бу натижа янги жаҳон рекорди сифатида эътироф этилди. Ўтган йилги чемпион телефонини 57 метр 3 сантиметрга улоқтиришга эришган эди.

ГРУЗИЯ:

ГОЛЛАНДИЯДАН ХАТО ЁЗУВЛИ ПУЛЛАР

Грузия ўз пулларини нашр этиш учун мурожаат қилган голландиялик мутахассислар «қовун туширгани» ҳақида хабар зудлик билан кўпчиликка маълум бўлди.

Таниқли грузин тарихчиси Иване Джавахишвили сурати остига голландлар грузин ёзувчиси Михаил Джавахишвили номини ёзиб қўйишибди. 1993 йили мамлакат президенти фармонига биноан янги миллий пул муомалага киритилган. Пулни «лари» деб аташга қарор қилинган. Ўрта асрларда грузин пуллари айнан шундай аталган экан. Грузия ҳукумати ва Марказий банки қарорига биноан 5 лари қийматга эга қоғоз пулларда Иване Джавахишвили сурати акс эттириладиган бўлган. Миллий банк матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари Ана Эриставининг маълум қилишича, Грузия ҳукумати ўз валютасини Евросоюзнинг умумий пул бирлиги евро чоп этиладиган дастгоҳларда Голландияда тайёрлашга қарор қилган экан.

АҚШ:

МИНИ -ТАРВУЗЛАР КЕНГ ТАРҚАЛМОҚДА

АҚШда 12-сантиметрли мини-тарвузлар савдога чиқарилди. Улар уруғи йўқлиги ва музлатгичга бемалол сиғиши билан харидорлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Европада бундай мини-тарвузлар 2004 йилда пайдо бўлиши кўзда тутилмоқда. Ушбу тарвузларни яратиш устида Американинг «Syngenta» компанияси тадқиқотчилари бир неча йил мобайнида иш олиб боришган. Бу мини-тарвузларнинг пўсти одатдагидан юпқароқ, ширинлик тарвузнинг ўртасида эмас, балки барча қисмларга тенг тарқалган.

Машҳурахон ТЎХТАМИРЗАЕВА тайёрлади.

Оналари улуғ юрт

БАХШИНИНГ ОНАСИ - ТИЛЛА КАМПИР

Нуротада кўплаб истеъдод эгалари ўсиб-улғайган, эллар ичра машҳур бўлган.

Районим Нурота тоғлар ораси,
Отим Эргаш Жуманбулбул боласи.
Қаридим десам кўнглим қоласи,
Тобора ошади ёшлик ҳаваси, -

дея элнинг тўйу маъракаларида, халқ йиғинларида булбул янглиғ куйлаб ўтган бахши Эргаш Жуманбулбулнинг онаси Тилла кампир ҳақида кўпгина ривоятлар ҳам бор. Айтишларича, бу аёл зеҳни ўткир, сўзга чечан, қўрқмас, мард бўлган экан.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг довруғини эшитган қозоқларнинг гапга уста йигитларидан бири «Оқтов томонда бир бахши бор экан, ҳамма уни зўр-зўр дейди, ким зўр эканлигини кўрсатиб қўяй унга» - дея йўлга тушибди. Узоқ йўл юриб, йўлда учраган одамлардан сўраб-суриштириб Эргаш Жуманбулбул ўғлининг юрти Қўрғонга етиб келади ва унинг уйини излаб топади. Бу мусофир йигитга пешвоз чиққан Тилла кампир:

- Мен сен сўраган бахшингнинг энаси бўламан, айтадиган гапинг бўлса менга айтавер - дейди.

Қозоқ йигити:

- Момо, анави товнинг ёши неччида? - деди Оқтовни кўрсатиб.

Шунда Тилла кампир жавоб қилади:

- Худойимнинг ишини кўр,
Фалакнинг гардишини кўр.
Товнинг ёшини билай десанг,
Овзини очиб тишини кўр!

Дабдурустдан қилинган жавобдан ҳайратда қолган қозоқ йигити: -

- Энаси шундай бўлса, ўғли чинданам зўр экан, - дея, ортига қайтган экан».

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўткирлиги, гапга чечанлиги, жамики яхши фазилатлари унга онаси Тилла кампирдан ўтган дейишади. Шунинг учун ҳам у халқ оғзаки ижодининг намуналаринини усталик билан, маъромига етказиб куйлаган. Оналар - улуғ зот, ҳар биримизни уларнинг дуоларини доимо қўллаб туради.

Нурали ШОДИЕВ.

Мозийдан садолар

Ибн Боттута ким?

У Ўрта Осиёни қандай ўрганган?

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Ибн Боттута Хоразмда қисқа вақт турганидан кейин ўша даврларда Ғарбий Чиғатой улуси бўлмиш Мовароуннаҳр томон сафарини давом эттиради. Умуман, у қаерларда бўлмасин, ҳамиша ҳамма ерларда ҳам бирдай илиқ ҳурмат, иззат-икром билан кутиб олинганини қайта-қайта баён қилади. У дастлаб азалдан оламга машҳур шаҳарлардан бири бўлиб келган Бухорога бораётиб, унинг туманларидан бири Вобкентда тўхтаганини шундай таърифлайди:

«Бу туман Бухоро шаҳрига бир кунлик йўлда жойлашган, ҳовузлари, боғроғларига эга файзли гўзал шаҳарчадир. Бу ернинг аҳолиси узумни йил давомида сақлайдилар. Уларда айниқса, бир нав мева бўлиб, уни ал-аллу (олхўри) деб атайдилар. Одамлар бу мевани қуритиб Ҳиндистон ва Хитойга элтадилар. Етилиб пишган меваларни сувга чайиб ичадилар. Уларнинг қуритилганлари эса бироз нордонроқ таъм беради. Бу мева кўп юмшоқки, бундайини мен Андалузияда (Испания) ҳам Сурияда ҳам кўрмадим». Шундан кейин у, сафарини давом эттириб кун бўйи буткул боғлар, ҳовузлар, дарахтзору ям-яшил экинзорлар оралаб Бухорога етиб борган. Шаҳарни зиёрат қилар экан, сайёҳ бу ўлкада унча кўп бўлмаган омон қолган баъзи бир айрим иншоатлардан бошқа Чингизхон бошчилигидаги саҳройи мўғуллар босқинчилиги даврида вайрон этилган кўпгина аҳоли зич яшайдиган турар жойлар, масжид, мадраса ва бозорлар ҳанузгача хароба ҳолда ётганини қаттиқ қайғу ва ачиниш билан гапиради. Ундан сўнг Бухородан унча узоқ бўлмаган Фатҳобод деган мавзега ташриф буюради. У ерда Ибн Боттута 1221 йили Урганчнинг мўғуллар томонидан истило этилиши даврида ҳалок бўлган машҳур зоти шариф, нақшбандийлик тариқатининг етакчиси бўлган шайх Нажмиддин Кубронинг содиқ ва иқтидорли шогирди бўлган улуғ уламо, дин арбоби Сайфуддин ал -Бохарзий ва бошқа маълум-машҳур сиймоларнинг қабрларини зиёрат этган.

Албатта, Бухорода яшаб дин ва дунёвий илмларда ижод этиб илму фан ва маданият тараққиётига ўзларининг беназир салмоқли ҳиссаларини қўшган талай алломаи замонларнинг Мовароуннаҳр шон-шуҳратини жаҳон узра тараннум этганлари ҳам айни ҳақиқат бўлганлигини бу шаҳарда бўлган оташқалб сайёҳнинг ўша дамларда хаёлидан сўзсиз бир бор кечган бўлса ҳам ажаб эмас. Шунингдек, у ана шу дин арбоби Сайфиддин ал-Боҳарзийнинг ҳам невараси ҳам боббрў издоши, ўша вақтда шу ўлканинг кўзга кўринган йирик диний намояндаси, улуғлардан бири бўлган муфти шайх Яҳъё ал-Боҳарзийнинг уйида меҳмон бўлган. Бу одам унинг яъни, Ибн Боттутанинг ташрифи шарафига шаҳарнинг казо-казо таниқли кишиларини уйига чорлаган. Қиссахонлар ажойиб овозда Қуръони каримдан тиловот қилганлар. Муфтининг ўзи маърузалар қилгани, турк ва форс тилларида жуда ёқимли, латиф қўшиқлар айтилгани ва бошқалар ҳақида саёҳатномасида батафсил баён қилинади.

Ибн Боттута Бухорога қилган ташрифини тугатиб, Муҳаммад Тормаширин ҳукмронлигидаги янги Мўғилистон - ғарбий Чиғатой улусининг маркази бўлмиш Қарши томон йўналган. У Қаршига етиб боргач, ўрдадан унча олис бўлмаган жойда ўз чодирини тиктирган. У ерда ҳам шундай иззат-ҳурмат билан кутиб олинган сайёҳ Тормаширининг қабулида бўлган, у билан қилган диққатга сазовор қизиқарли мулоқотлари ҳамда бу ҳукмдорнинг эшитиши бўйича тахтдошларининг сифатлари, ҳамма-ҳаммаси ҳақида муҳим тарихий маълумотларни келтиради.

Умуман, Чиғатой ҳукмдорлари Мовароуннаҳр заминида адолат билан ҳукм юргизганлари ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Масалан, Кепакхон ҳақида сайёҳ: «Мен, бул мўғул ҳукмдорининг адолатпешалиги борасида эшитганларимдан бири шундай кечган экан. Кунлардан бир куни сут сотиш билан кундалик рўзғорини ўтказиб турган кўп болали аёл бозорга хурмачада сут келтириб сотмоқчи бўлиб турганда мўғул амирларидан бири аёлнинг бир хурмача сутини тортиб олиб ичиб юборибди. Аёл бундан қаттиқ норози бўлиб, Кепакхон ҳузурига бориб арз қилибди. Ҳукмдор шу заҳотиёқ ўшал амирни келтириб, аёлга қарата айтган: «Мен ҳозир бу амирни икки нимта этурмен, агар гапинг ҳақ эрса, унинг қорнидан сут чиқиши тайин. Борди-ю, аксинча бўлса, ундан сўнг сени икки нимта этгум».

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН
(Давоми бор).

Ўйлашадиган ўй

АЁЛ тунда йўлингдан чиқса...

«...Нотўғри тушунманг-у, лекин ўшандан бери кечқурунлари ишдан қайтаётганда аёл қўл кўтарса машинамни тўхтатмайман...»

Қадимда момоларимиз «Ёмон яранинг отини айтма» дейишарди. Бунинг маъноси шундаки, эл-юрт шаънига иснод келтирувчи хунук одатлар, айниқса аёл шахси билан боғлиқ уятли қилмишлар ҳамма замонларда кўпам ошкор этилавермаган. Сабаби, бу нарса улғайиб келаётган ёшларнинг соғлом ўй-фикрларига таъсир этади деб ўйлашган. Негаки, аёл шарм-ҳаёси билан гўзал, садоқати билан улуғ, иффати билан ғолиб. Бироз истиҳола қилиб баён этаётганимиз - ушбу суҳбатлардан сўнг сиз азиз газетхонлар билан очиқ-ойдин фикрлашамиз деган умиддамиз.

САВДО ДЎКОНИ ХОДИМАСИ СУҲБАТИДАН: - Мен содда ўша куни бир-бирлари билан жанжаллашаётган аёлларни муросага чақирмоқчи бўлибман-а. Ахир нима қилай, ён-атрофдан ёш-яланглар ўтиб-қайтишаяптию, улар бўлса энг ёмон сўзларни айтиб уришишаётибди.

- Мана шу сузилган кўзларингни нақ ўйиб оламан, - дейди бири.

- Ҳо, мен қараб турармидим. Молимни авраб, савдомни бузган шу тилларингни узиб қўлингга тутқазмасамми?! - дейди иккинчиси.

Худди шу пайт кимдир билагимдан тортди. Қарасам, ён қўшним.

- Бу жойда нима қилиб турибсиз? Юринг, кетайлик тезроқ!

Йўл қайрилишига боргач, қўшним ҳаммасини гапириб берди. Тавба, бунақа савдо-сотиқ ҳам борлигини эшитиб, турган жойимда қотиб қолдим. Шу ростмикин, ўзи?

Ажаб... Шунча йил савдо дўконида ишлабману, шаҳримизда бунақа ҳангомалар бўлаётганини эшитмаганимни қаранг! «Хиёнат оралаган уйдан барака қочади» деганлар. Уйжойининг тайини йўқ, фақат кўча-кўйда ўзини бозорга солиб кун кечираётган бу аёлларнинг нокаслиги туфайли бутун шаҳримиздан барака кўтарилмайдими, ахир? Йўғ-е, уларнинг ҳам жиловини тортиб қўядиганлар чиқиб қолар. Ёқамга туфладим: «Бундайларнинг касофатидан ўзинг асра, худойим...»

ХУСУСИЙ ФИРМА ХОДИМИ СУҲБАТИДАН: - Дўстлар йиғини анча кеч тугади. Машинамни ҳайдаб йўлга тушдим. Чилонзор массивининг қуюқ дарахтзор кўчаларидан ўтаётганимда, йўл четида бир нечта аёлларга кўзим тушди. Бариси башанг. Булар ҳам зиёфат уюштирган шекилли, деб ўйладим. Улардан бири юғуриб чиқиб йўлимни тўсди. Машинани тўхтатдим.

- Ҳа. Қаёққа борасиз? (Уйига шошиб турган бўлса, обкетақолай дедим-да).

У тезлик билан машинага ўтирди, эшигини ёпди.

- Бўшмисиз, ака?

- Қаёққа борасиз?

- Истаган жойингизга...

Шундагина ажабланиб ҳалиги аёлнинг юзига қарадим. Юз-кўзига юз бир хил бўёқни чаплаб олган, кўзлари сузилиб турарди. «Тавба, бу ҳалигидақа... Нега машинага чиқардим уни? Энди қандоқ қутуламан?» деб ўйладиму сўнг муроса йўлига ўтдим. «Кечирасиз, синглим, мен бир иш билан кетаётувдим!» Аёл машинадан тушгиси келмагандай ғалатироқ тарзда деди:

- Қанақа эркаксиз, ўзи?

Қулоқларимга ишонмадим. Бу аёл ҳали шу даражага борган экану, мен аҳмоқ уни машинага ўтқазиб... Энди ҳийла йўлига ўтдим:

- Келишдик. Розиман. Фақат, шу жойда мени кутиб турасиз. Нозик бир ишни битказиб келишим керак. Ярим соатдан сўнг сизни олиб кетаман!

Аёл эринибгина машинадан тушди. Сўнг «Тағин, шунақасига қочиб кетманг-а» деди айёрлик билан. Менимча, бунақа савдоларни ҳам бошдан кечирган шекилли. У тушиб кетгач, машинани шамолдай елдириб ҳайладим. Бу кўчадан энди ярим тунда юрмаганим бўлсин! Нотўғри тушунманг-у, лекин ўшандан бери кечқурунлари ишдан қайтаётганда аёл қўл кўтарса машинамни тўхтатмайман... Мен бу билан тунда йўлда турган ҳар бир аёлни бадном қилмоқчи эмасман. Ахир турли ҳаётий ташвишлар билан юрган аёлларимиз қанча. Улар мени кечиришсин... Ахир бу ҳолат бизнинг шаънимизга иснод эмасми? Ўйлаб кўрайлик.

ГУЛИ ХОНИМ



Эҳтиром

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Яқинда Зарафшон «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болаларнинг 14 нафарининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Шаҳримиздаги ёшлар ўртасида спорт ишларига эътибор кучайтирилмоқда. Маҳалла ўсмирларидан иборат футбол жамоалари бошқа вилоятлардаги беллашувларда қатнашиб фахрли ўринларни олиб қайтишяпти. Шуни айтишимиз керакки, амалга оширилаётган хайрли ишларнинг бошида шаҳримиз ҳокими Аҳмаджон Умаров турибдилар.

Олия МАВЛОНОВА,
Зарафшон шаҳридаги Зарапетян маҳалласи котиби.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

КУЙ (21.03-21.04)
Эҳтиросларингизни жиловлай олиб, шошмасдан ҳаракат қилсангиз молиявий имкониятларингиз янада ортади.

СИГИР(22.0420.05)
Шу кунларда мажбурият юзасидан эмас, сезгиларингизга суяниб иш кўринг. Масалан, «оёғингиз тортмаган» жойга борманг.

ЗГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Куз фаслига мос кайфият оғушидасиз. Шу туфайли ишчанлик қобилиятингиз пасаяди. Кўпроқ ёлғиз бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Бошқаларнинг ёрдамини кутиб ўтирмай, қобилиятингиз етганча ишлайверинг, вақтдан ютасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳаммадан ажралиб туриш, ҳар ишда илғор бўлиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларингиз самарали бўлади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Оила аъзоларингиз, қариндошларингиз билан можароли вазиятни бартараф этишингизга тўғри келади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Катта харидларни кейинроққа қолдириб турсангиз яхши. Умуман, фаолиятингизда эҳтиётроқ бўлинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда фарзандларингизнинг шўхликлари, турмуш ўртоғингизнинг инжиқликларини босиқлик билан қарши олинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ўзингиз узоқ кутган олис сафарга боришингиз мумкин. Лекин сафарда соғлиғингиз сизга панд бериши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Тажрибали киши билан маслаҳатлашмай молиявий натижаларингизни амалга оширманг. Таваккал - ҳамиша ҳам омад келтирмайди.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда кайфиятингиз аъло. Майда-чуйда кўнгилсизликлар ҳолатингизга таъсир қилмайди.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Сиз эса шу кунларда ҳар жиҳатдан ўзингизни эркин ҳис қилишингиз мумкин. Ҳиссиётларингизни очиқ ифода этинг, сизни тушунадилар.

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Азиз муштарий!
Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!

Таҳририят

Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93

Ф. МТ-1

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компанияси

АБОНЕМЕНТ газета / журнал (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Обуна бўлишга кечикманг!

Билмасангиз, билиб олинг!

Агар сотувчи (истеъмолчининг) товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 16-моддасидан

Аввалги сонда тузатиб ўқилсин!

Газетамизнинг шу йил 9 октябрь сонидаги «Кишанланган мурда» сарлавҳали мақоланинг «...Ўта хавфли жиноятчи О.Аҳназаров (айтиш мумкинки, ғоят мураккаб вазиятларда) қўлга олинди ва Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди томонидан олий жазо - ўлимга ҳукм қилинди» жумласидан сўнгги «Ҳукм ижро этилди!» жумласи газета вилоят мухбири талқинида хато тарзда қўшилган бўлиб, у ҳуқуқий асосли деб ҳисобланмасин.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ

Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-926